

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МЎМИНОВА ГЎЁХОН АЛИДЖОНОВНА

**БОШ МИЯ ФУНКЦИЯСИ БУЗИЛИШИНING ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ
ГИПОФУНКЦИЯ ҲОЛАТИ БИЛАН ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ**

03.00.01 – Биокимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Мўминова Гўёхон Алиджонова

Бош мия функцияси бузилишининг қалқонсимон
без гипофункция ҳолати билан ўзаро боғлиқлиги..... 3

Муминова Гуёхон Алиджонова

Взаимосвязь нарушения функции головного мозга
с состоянием щитовидной железы при ее гипофункции..... 23

Muminova Guyokhon Alidjonovna

The relationship between disorders of the brain
with your thyroid when hypothyroidism..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МЎМИНОВА ГЎЁХОН АЛИДЖОНОВНА

БОШ МИЯ ФУНКЦИЯСИ БУЗИЛИШИНING ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ
ГИПОФУНКЦИЯ ҲОЛАТИ БИЛАН ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

03.00.01 – Биокимё

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/D427 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кульманова Муножат Усмоновна

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ходжиметов Абдугаффор Ахатович
биология фанлари доктори, профессор

Халимова Замира Юсуповна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил 16 09 соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 7-16 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Форобий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-кават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2021 йил 03 09 да куни таркатилди.
(2021 йил «02» 09 даги 03 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

И.О.Отажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

[Handwritten signature]

М.Ж.Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича барча эндокрин касалликлари орасида қалқонсимон без гипофункцияси олдиги ўринларни эгаллаб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра қалқонсимон без касалликлари кўплаб беморларда аниқланган бўлиб, охирги йилларда беморлар сони ортиб бориши кузатилмоқда. Муаллифларнинг келтирган маълумотларига кўра «...гипотиреозда барча аъзо ва тизимларнинг шикастланиши кузатилади ва энг кучли намоён бўлган ўзгаришлар марказий нерв тизимида кузатилади. Гипотиреозда когнитив функцияларни сусайиши, хотира, диққат ва интеллектни пасайиши, диссомник синдром ривожланади...»¹. Шу сабабли қалқонсимон без касалликларини даволашда эришилган ютуқларга қарамадан уларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда бош мия функцияси бузилишининг қалқонсимон без гипофункция ҳолати билан ўзаро боғлиқлигини ўрганишни такомиллаштириш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада нейромедиаторлар тизимининг бузилиши, гипотиреоз натижасида нейроиммун жараёнларнинг жадаллашишининг салбий оқибатлари, қалқонсимон без гипофункцияси шароитида ҳамда L-тироксин ва ноотроп дори воситалари билан фармакокоррекциясида нейрофиламентар омил NF-200, глиал фибриляр кислотали оқсил GFAP, миелиннинг асосий оқсили, потенциалга боғлиқ калций каналлари (VGCC) ва Мура оқсили (S100β) каби нейроспецифик оқсилларга нисбатан нейротроп аутоантитаначалар кўрсаткичларини самарадорлиги, гипотиреоз ҳолати ҳамда L-тироксин ва ноотроп дори воситалари билан фармакокоррекциясида глутамат, дофамин, ГАМК, опиат, β-эндорфин, серотонин ва ацетилхолин каби бош мия нейромедиаторлари рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичлари, мия фаолиятининг бузилишида қалқонсимон без гипофункцияси аҳамиятини ўрни, уни фаолиятини тиклаш ва даволаш муолажаларига маҳаллий ишлаб чиқарилаётган нейропротекторларини қўллаб салбий таъсиротларини камайтириш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли орасида организмнинг биологик ҳаракат фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш орқали биологик тизимларнинг меъёрий даражасини таъминлаш, касалликларни олдини олиш ва даволашда маҳаллий хом ашёлари асосида олинган арзон ва юқори сифатли дори-дармон ва импорт ўрнини босувчи дори воситалар билан таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва

¹ E.O'Hare, E.-M. Kim, D. Page and R. Journal of Neuroscience. Effects of thyroxine treatment on histology and Behavior using the methimazole model of congenital Hypothyroidism in the rat, 285(2015). C.128-138

оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жумладан, қалқонсимон беши касалликларининг нейрофизиологик хусусиятларни асослаш ва организмнинг биологик эҳтиёжини оширишга қаратилган маҳаллий дори воситаларининг биологик аҳамияти, аҳоли орасида қалқонсимон без касалликларини эрта ташхислаш ва даволашда иқтисодий сарфни камайтириш усулларини такомиллаштириш орқали касалликларни олдини олиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олимлар томонидан қалқонсимон без гормонларини мияни шаклланишига таъсири, унинг гипофункциясида бош мия шикастланишлари, айрим нейромедиаторлар тизими ва метаболизмнинг бузилиши молекуляр механизмлари ва шунингдек тиреоид гормонлар ва нейропротекторлар билан даволаш йўллари ўрганилган. Ушбу соҳадаги тадқиқотлар хорижлик олимлар Janaina Sena de Souza, Petra Moh'acsik, Edênia Cunha Menezes (Бразилия), Heike Heuer, Carol Ann Mason, Antonio C. Bianco (АҚШ), G. R. Williams, E. O'Hare (Буюк Британия), Anna Göbel (Олмония), Catherine G. Vasilopoulou (Чехия), Jing Dong (Хитой) ва бошқалар томонидан ривожлантирилган. МДХ мамлакатларида И.М. Балаболкин, Е.А. Трошина томонидан қалқонсимон без функцияларини бузилишлари, ташхислаш ва даволаш алгоритми бўйича тадқиқотлар олиб борилган. В.В. Петунина ва Н.В. Петуниналар эса гипотиреозда турли аъзо ва тўқималарни бузилишларни асослаб берган. Григорова И.А., Е.Л. Товажнянская, Беккер Р.А., Быков Ю.В.лар гипотиреозда неврологик асоратларнинг патогенетик механизмларини, Л.Д. Эркенова, Г.Ж. Бильжановалар экспериментал тиреоид энцефалопатияни

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ривожланишида мия тўқимасида морфологик ўзгаришларни ёритишган. Сапронов Н.С., Федотова Ю.О., А.Э. Лычковалар қалқонсимон без фаолиятини нерв тизими орқали бошқарилишини, Т.А. Бизунок, Н.А. Бизуноклар эса қалқонсимон без фаолияти бошқарилишида нейромедиаторларни аҳамиятини асослаб беришган.

Бизнинг мамлакатимизда академик Я.Х.Туракулов раҳбарлигида биокимё ва эндокринология институтларида йод танқислиги, тиреоид патологияларининг биокимёвий асослари, молекуляр механизмлари ва йод танқислигини профилактикаси ва даволаш йўллари тўлиқ ўрганилган. профессор С.Н. Долимова тиреоид гормонларини митохондриялар фаолиятига таъсирини изоҳлаб беришган. З.Ю. Халимова бирламчи гестацион гипотиреозда чақалоқларда марказий нерв тизими функцияларини бузилишини, Д.Г. Якубова экспериментал гипер- ва гипотиреозда мия нейромедиаторлар тизими бузилишлари механизмларини ўрганган, бироқ, бош мия функцияси бузилишининг қалқонсимон без гипофункция ҳолати билан ўзаро боғлиқлиги баҳолаш тизимлаштирилган.

Мамлакатимизда гипотиреозда қалқонсимон без гипотиреозда мия шикастланишлари молекуляр механизмлари, нейромедиаторлар тизимининг бузилиши ва уни коррекцияловчи биологик фаол моддаларни аниқлаш бўйича кам сонли тадқиқотлар амалга оширилган. Шу сабабдан ушбу илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ССВ-АД-013 «Экспериментал тадқиқотларида қалқонсимон беги молекуляр хужайравий механизми ва бош мия фаолиятининг бузилишига таъсирини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш» (2018–2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қалқонсимон без гипофункциясида тиреоид гормонлар ҳолати билан боғлиқ равишда бош мия шикастланиши, нейромедиатор тизимида бузилишларини олдини олиш ва уларни коррекциялашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қалқонсимон без гипофункцияси шароитида ҳамда L-тироксин ва ноотроп дори воситалари билан фармакокоррекциясида нейрофиламентар омил (NF-200), глиал фибриляр кислотали оксил (GFAP), миелиннинг асосий оксили (MBP), потенциалга боғлиқ кальций каналлари (VGCC) ва Мура оксили (S100β) каби нейроспецифик оксилларга нисбатан нейротроп аутоантитаначалар кўрсаткичларини баҳолаш;

гипотиреоз ҳолати ҳамда L-тироксин ва ноотроп дори воситалари билан фармакокоррекциясида глутамат (Глу-Р), дофамин (ДА-Р), ГАМК (ГАМК-Р), опиат (м-ОР), β-эндорфин (Р-β-энд), серотонин (Сер-Р) ва ацетилхолин (Хол-Р) каби бош мия нейромедиаторлари рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларни баҳолаш;

иммунореактив аутоантитаначалар кўрсаткичларини ҳамда қонда тиреоид гормонлар миқдори билан нейроспецифик оксилларга ва нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар орасида боғлиқликларни мавжудлигини исботлаш;

қалқонсимон без гипофункциясида ҳамда L-тироксин ва ноотроп дори воситлари билан фармакокоррекциясида мия ва гиппокампада морфологик ўзгаришларни баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида интакт ва мерказолил киритилиб, гипотиреоз моделлаштирилган 120 та зотсиз оқ каламушлар L-тироксин, ҳамда нейропротекторлар Сомазина (цитиколин эквиваленти, Испания «FERRER Internacional, S.A.») ва Нейромак (цитиколин эквиваленти, Ўзбекистон «Radiks НПП») дори воситалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини бош мия функцияси бузилишининг қалқонсимон без гипофункция ҳолати билан ўзаро боғлиқлигини ўрганишда тажриба каламушларнинг қон зардоби ва мия тўқимаси материаллари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда бош мия функцияси бузилишининг қалқонсимон без гипофункция ҳолати билан ўзаро боғлиқлигини ўрганишда биокимёвий, иммунофермент, морфологик ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қалқонсимон без гипофункцияси шароитида нейроспецифик оксилларга (NF-200, GFAP, S-100, MBP ва VGCC) нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичлари гипотиреоз оғирлигига боғлиқ равишда ўзгариши исботланган;

мерказолилни сурункали қабул қилиш натижасида бош мия нейромедиаторлари рецепторларига (Глу-Р, ГАМК-Р, Доф-Р, Сер-Р, м-ОР, Рβ-энд и Хол-Р) нисбатан ауто-АТ миқдорининг ўзгариб бориши асосида нейромедиаторлар тизимининг бузилишлари баҳоланган;

тиреоид гормонлар ишлаб чиқилишини сусайиши бош мия тўқимасида нейроиммун яллиғланиш ривожланишига олиб келиши исботланган;

гипотиреоз шароитида бош мия пўстлоғи ва гиппокампада морфологик ўзгаришлар келиб чиқиши мумкинлиги исботланган;

экспериментал гипотиреоз шароитида бош миядаги нейроиммун яллиғланиш ва нейродегенератив, ҳамда морфологик ўзгаришлар L-тироксин ва нейропротекторлар комбинацияси ёрдамида коррекциялаш самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гипотиреоз шароитида нейроиммун дисрегуляция жараёнларини ва нейродегенератив шикастланишларни эрта ташхислаш мақсадида ЭЛИ-Н тестдан фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

қалқонсимон без гипофункциясида L-тироксин киритилиши бош мияда нейродегенератив ўзгаришлар коррекцияланмаслиги ҳамда нейропротекторларни биргаликда қўллаш зарурати асосланган;

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган Нейромак препарати хорижий Сомазина дори воситасига нисбатан нейропротекторлик хусусиятлари юқорилиги исботланиб, улар тиреоид кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмаслиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган тажриба ҳайвонлари ва тажриба материаллари сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи биокимёвий, иммунофермент, морфологик ва статистик тадқиқот усулларида бош мия функцияси бузилишининг қалқонсимон без гипофункция ҳолати билан ўзаро боғлиқлигини такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қалқонсимон без гипофункциясида тиреоид кўрсаткичлар билан бош мия шикастланишлари орасида ўзаро боғлиқлигининг молекуляр механизмлари, нейроспецифик оксиллар ва бош мия нейромедиаторлари рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар миқдорининг ортиши билан боровчи нейроиммун дисрегуляциянинг ривожланиши ва уларни тиреоид препаратлари билан биргаликда нейропротекторлар билан коррекциялаш механизмларига ойдинлик киритиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қалқонсимон без гипофункцияси шароитида L-тироксин билан биргаликда нейропротекторлар қўлланилиши бош мия ва гипокампа нейродегенератив жараёнлар, нейроиммун яллиғланиш ва нейромедиатор тизими бузилишларини фармакодинамик коррекциялаш, нейромедиаторлар тиреоид кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмаслиги, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган Нейромак дори воситасининг нейропротектив хусусиятлари бўйича ва иқтисодий жиҳатдан хорижий Сомазина дори воситасидан самарадорлиги билан изоҳланади, иқтисодий самарадорлик 87000 сўмни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бош мия функцияси бузилишининг қалқонсимон без гипофункция ҳолати билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш бўйича олинган илимий натижалар асосида:

бош мия хужайра ва тўқималарнинг биологик фаолиятининг издан чиқиши орқали эндокрин тизими қалқонсимон без гипофункция ҳолати билан ўзаро боғлиқлигини биологик тизимларга таъсирини олдини олиш бўйича «Қалқонсимон без гипофункциясида бош мия фаолиятини эрта ташхислаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги №8н-р/638 маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ЭЛИ-Н тест ёрдамида нейродегенератив касалликларни эрта ташхислаш, беморларнинг биологик ҳолатини яхшилаш билан биргаликда самарли даволаш тизимини яратиш имконини берган;

эндокрин гормонларининг қалқонсимон без гипофункция ҳолати билан ўзаро боғлиқлигини биологик тизимларга таъсирини баҳолаш бўйича «Қалқонсимон без гипофункциясида бош мия структура ва функцияси бузилишларини коррекциялаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги №8н-р/637 маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома нейропротекторларни қўллаш гипотиреозда нейродегенератив ўзгаришларни олдини олиш орқали самарали даволаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Бош мия функцияси бузилишининг қалқонсимон без гипофункция ҳолати билан ўзаро боғлиқлиги комплекс даволаш самарадорлигини клиник биокимёвий баҳолашда замонавий комплекс ёндашувлари асосида олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академияси Олий ўқув юртлараро марказий тадқиқот лабораторияларнинг фундаметал тадқиқотларни амалга ошириш амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги 8н-д/45-сон маълумотномаси). Натижада, мерказолил билан захарланган тажриба ҳайвонларда ЭЛИ-Н тестини қўллаш бош мия шикастланишини ташхислаш, интакт ҳайвонларда тиреоид статуси кўрсаткичлари билан НСО ҳамда нейромедиаторлар рецепторлари ўртасида турли кўринишдаги кучсиз ва ўртача боғланишларни, гипотиреоз шароитида тиреотроп гормони билан мусбат кучли, T_4 ва T_3 миқдори билан эса ўрта ва кучли манфий боғланишларни амалга ошириш, қалқонсимон без гипофункцияси мия тўқимасига салбий таъсир этиши ва уларда нейроиммун ўзгаришларни келтириб чиқариши эрта ташхислаш, биокимёвий кўрсаткичларнинг меъёр даражасида яхшилаш ҳамда даволаниш муддатларининг қисқартириш ва касаллик асоратларининг олди олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигини, мақсади ва вазифаларини асослайди, ўрганиш объекти ва мавзусини тавсифлайди. Тадқиқотнинг

республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг «**Мия ривожланишида тиреоид гормонларнинг ўрни**» деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида қалқонсимон без фаолияти сусаишида неврологик ўзгаришлар сабаблари, бош мия ривожланишида тиреоид гормонларнинг аҳамияти, қалқонсимон без функциясини нейромедиаторлар томонидан бошқарилиши, ҳамда экспериментал гипотиреозда бош миёда нейроспецифик оксиллар ва нейромедиаторлар рецепторларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги замонавий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган, муаммонинг очилмаган ва аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Гипотиреоз ривожланишида нейромедиатор тизимнинг бузилиши ролини баҳолаш ҳамда даволашнинг замонавий методологияси ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида олдинга қўйилган мақсад ва белгиланган вазифаларга кўра тадқиқотда қўлланилган материал ва методларнинг умумий тавсифи батафсил ёритиб берилган. Тажрибалар «Тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни муҳофаза қилиш Европа конвенцияси»га (Страсбург, 1985) мувофиқ Тошкент фармацевтика институти марказий лабораториясида ўтказилди. Тажрибалар 120та оддий лаборатория рационида яшовчи 180-220 грамм оғирликдаги оқ, зотсиз каламушларда ўтказилган. Мақсадга эришиш учун 70 оқ каламушларга 2,5 мг/100 г дозада мерказолил (тиамазол эквиваленти, Украинанинг ООО «Здоровье» Фармацевтик компанияси) 21 кун давомида меъда ичига киритилиш йўли билан гипотиреоз ҳолати моделлаштирилди [Ф.Х. Камиллов ва ҳаммуаллифлар, 2017]. Қолган 10 каламушлар интакт гуруҳни ташкил қилишди. Гипотиреоз ҳолати шаклланганлигини тана ҳароратини пасайиши, тана вазнининг ортиши ва ҳайвонлар умумий ҳолати назорат қилиниб, ҳамда тиреоид гормонлар ўзгариши билан тасдиқланди. Ҳайвонлар ўлими кузатилмади. 21 кундан бошлаб экспериментал каламушлар 6 та гуруҳга ажратилди: **I гуруҳ** – интакт (10 каламушлар). **II гуруҳ** – 21 кун гипотиреоз моделлаштирилган 10 каламушлар. **III гуруҳ** – 30 кун гипотиреоз моделлаштирилган 15 каламушлар. **IV-гуруҳ** – 21-кундан сўнг 10 кун давомида 3 мкг/кг L-тироксин билан даволанган 15 каламушлар. **V-гуруҳ** – 21-кундан сўнг 10 кун давомида 3 мкг/кг L-тироксин ва «нейромак» нейропротектори билан даволанган 15 каламушлар. **VI гуруҳ** – 21-кундан сўнг 3 мкг/кг L-тироксин ва «сомазина» нейропротектори билан даволанган 15 каламушлар. Сомазина - (цитиколин эквиваленти), Испания «FERRER Internacional, S.A.» фармакологик компаниясининг маҳсулоти, нейропротектор, ноотроп модда ҳисобланиб бош миёда қон айланиши бузилиши ва бош мия ишемиясида қўлланиш учун

мўлжалланган. Нейромак - (цитиколин эквиваленти), Ўзбекистон «Radiks НПП» фармакологик компаниясининг маҳсулоти, нейропротектор, ноотроп модда ҳисобланиб бош миёда қон айланиши бузилиши ва бош миё ишемиясида қўлланиш учун мўлжалланган.

Тадқиқотнинг тегишли кунларида каламушлар ҳарорати 0° - $+2^{\circ}\text{C}$ совуқ хонада декапитация қилинди. Декапитация қилингандан сўнг ҳайвонларнинг қони йиғилди, қон зардоби ажратиб олинди. Ҳайвонларни сўйиш жараёнида кесиб олинган бош миё ва гиппокамп бўлакчалари формалиннинг 10 % ли фосфат буферли нейтрал эритмасида сақланади.

Тажрибанинг 21 ва 30 кунлари барча гуруҳ каламушларнинг қон зардобиди тиреоид гормонлар: тиреотроп гормон (ТТГ), тироксин (T_4) ва трийодтиронинларнинг (T_3) умумий ва эркин шакли миқдори иммунофермент таҳлил усулида «Human» (Германия) фирмасининг «Eliza» тест тўплами ёрдамида аниқланди. Иммунофермент тадқиқотлар перинатал марказ қошидаги ООО «Genotexnologiya» молекуляр генетик лабораториясида бир вақтининг ўзида ҳам нейроспецифик оқсиллар: NF-200 (аксонларнинг специфик оқсили), GFAP (астроцитлар цитоскелет системасининг оралиқ филаментларини ҳосил қилувчи миёнинг специфик глиал фибриляр кислотали оқсили), MBP (аксонларнинг миелинли қобикларининг асосий оқсили), S100 β (асосан астроцитлар цитоплазмасида жойлашган нерв системаси учун юқори специфик бўлган Ca^{2+} боғловчи оқсил), VGCC (потенциалга боғлиқ кальций каналлари) оқсиллари; ҳам нейромедиаторлар рецепторлари: глутамат, ГАМК, дофамин, серотонин, холин, опиат ва β эндорфин рецепторларига нисбатан G синфга мансуб нейротроп аутоантитаначалар миқдори (Полетаев А.Б., 2010) оригинал идиотипантиидиотипик тест-системаси «ЭЛИ-Н-Тест» (Россия) ёрдамида аниқланди. Морфологик текширувлар республика Паталогик Анатомиа марказида олиб борилди. Гистологик препаратлар гематоксилин-эозин ва Ниссл бўёқларида бўялди ва ёруғлик микроскопи остида ўрганилиб, керакли соҳалари расмга туширилди. Олинган натижалар статистик қайта ишлаш ва расмларни чизиш OriginPro 7,5 (Microsoft, USA) таҳлил амалий дастурлари пакети асосида ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «**Экспериментал гипотиреозда марказий нерв тизимида структур-функционал ўзгаришлар ва уларни коррекциялаш**» деб номланган учинчи бобда гипотиреозни L-тироксин, L-тироксин+нейромак, L-тироксин+сомазина даволашда миёнинг структурфункционал ҳолатини тиклашда самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

«*Экспериментал гипотиреозда тиреоид статус ўзгаришлари ва уларни коррекциялаш*» бўлимида гипотиреоз моделлаштирилган каламушларда тадқиқотнинг 21- ва 30-кунида тана ҳароратнинг $36,6\pm 0,11^{\circ}\text{C}$ ва $35,4\pm 0,1^{\circ}\text{C}$ пасайиши, тана вазнининг эса 207 ± 3 г ва $212\pm 3,3$ г ортиши аниқланди (интакт гуруҳ ҳайвонларда бу кўрсаткичлар $37,9\pm 0,19^{\circ}\text{C}$ ва $187,6\pm 2$ г ташкил этди). Даволанган гуруҳларнинг барчасида ушбу кўрсаткичлар меъёрий кўрсаткичларга жуда яқин келди. Экспериментал гипотиреозда тажрибанинг 21 ва 30 кунларида ТТГ миқдори 1,81 ($P<0,001$) ва 3,5 марта ортди. Умумий

T_4 1,71 ($P<0,01$) ва 3,11 мартаба ($P<0,001$), T_3 миқдори 1,49 ($P<0,05$) ва 1,47 ($P<0,05$), εT_4 миқдори 3,1 ($P<0,001$) ва 6,16 ($P<0,001$) мартаба, εT_3 миқдори 2,1 ($P<0,001$) ва 5,06 ($P<0,001$) мартаба интакт гуруҳ ҳайвонлар кўрсаткичларига нисбатан паст бўлди. Гипотиреозли ҳайвонларга L-тироксинни терапевтик дозада киритилиши (IV гуруҳ), мия фаолиятини фаоллаштириш мақсадида нейропротекторлар: Сомазина (V гуруҳ) ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган Нейромак (VI гуруҳ) препаратлари қўллаш қон зардобида ТТГ миқдорини даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 3,5 ($P<0,001$); 3,29 ($P<0,001$) ва 3,29 ($P<0,001$) мартаба пасайиб меърий кўрсаткичлардан фарқланмади. Даволаш муолажалари қон зардобида умумий T_4 миқдорини даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 3,12 ($P<0,001$); 3,16 ($P<0,001$) ва 3,13 ($P<0,001$) мартаба IV, V ва VI гуруҳларда оширди. Умумий T_3 миқдори ҳам бу гуруҳларда 1,49 ($P<0,05$); 1,52 ($P<0,05$) ва 1,49 ($P<0,05$) мартаба ошди. Эркин T_4 гормони қон зардобида 5,73 ($P<0,001$); 5,80 ($P<0,001$) ва 5,79 ($P<0,001$) мартаба даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ошган бўлса, эркин T_3 – 4,9 ($P<0,001$); 4,86 ($P<0,001$) ва 4,97 ($P<0,001$) мартаба ортди. Барча тиреоид кўрсаткичлар интакт гуруҳи кўрсаткичларидан фарқланмади. Ноотроп препаратлар L-тироксинни терапевтик самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмади.

«Экспериментал гипотиреозда нейроспецифик оксилларга нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларининг ўзгаришлари ва уни коррекциялаш» бўлимида экспериментал гипотиреоз моделлаштирилган каламушлар қон зардобида нейротроп аутоантитаначалар кўрсаткичларини аниқлаш натижалари келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Экспериментал гипотиреоз моделида тироксин, сомазина ва нейромак препаратларининг нейроспецифик оксилларга нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларига таъсири (ш.б), $M \pm m$, $n=6$

Нейро-специфик оксиллар	Тажриба гуруҳлари					
	Интакт	Экспериментал гипотиреоз		Даволанишдан кейин		
		21 кун	30 кун	Тироксин	Тироксин+нейромак	Тироксин+сомазина
NF-200	6,2+0,60	20,7+1,7***	19,7+0,99***	17,3+1,9***	14,7+1,1***^&&	14,8+0,95***^&&
GFAP	8,0+0,58	21,7+2,1***	33,2+1,1***^	32,7+1,3***^	18,0+0,86***^^&&&	19,0+0,97***^^&&&
S-100	8,5+0,62	24,8+1,6***	50,7+2,4***^^	28,2+1,7***&&&	16,0+1,3***^^&&&	20,2+1,5***&&&
MBP	4,0+0,37	26,3+2,4***	32,7+0,99***^	31,2+0,95***	16,2+0,83***&&&	19,2+1,6***&&&
VGCC	7,2+0,70	28,2+1,4***	25,7+0,88***	21,7+1,0***^&	14,3+1,1***^^&&&	17,3+1,3***^^&&&

Изоҳ: *- фарқлар интакт гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*- $P<0,05$; **- $P<0,01$; ***- $P<0,001$)

^ - фарқлар 2 гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^- $P<0,05$; ^^- $P<0,01$; ^^^- $P<0,001$)

& - фарқлар 3 гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (&- $P<0,05$; &&- $P<0,01$; &&&- $P<0,001$)

Интакт каламушларда GFAP, S-100, VGCC, NF-200 ва MBP каби нейроспецифик оксилларга нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичлари

8,00±0,58 8,50±0,62; 7,2±0,7; 6,2±0,6 ва 4,00±0,37 нисбий иммунореактивликни ташкил қилди, ва бизнинг фикримизча, биомембраналарни доимо янгилашиб туриши натижасида қонга НСО тушиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

21 кунлик гипотиреоз моделлаштирилган II гуруҳ каламушларда эса GFAP, S-100, VGCC, NF-200 ва MBP кўрсаткичлари меъерий кўрсаткичлардан 2,71 (P<0,001); 2,92 (P<0,001); 3,93 (P<0,001); 3,34 (P<0,001) ва 6,58 (P<0,001) мартаба юқорилик аниқланди. Энг юқори ўзгаришлар MBP хос бўлди, ва бу, бизнинг фикримизча, миелин толаларини емирилиши ҳисобига келиб чиққан бўлиши мумкин. Мерказолилни тажриба ҳайвонларига киритишни давом эттириш GFAP, S-100, VGCC, NF-200 ва MBP каби нейроспецифик оқсилларга нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичлари 4,15 (P<0,001); 5,96 (P<0,001); 3,57 (P<0,001); 3,18 (P<0,001) ва 8,18 (P<0,001) мартаба интакт гуруҳи ҳайвонлар кўрсаткичларидан юқори бўлди. Энг кўп аутоантитаначалар S-100 ва MBP оқсилларига нисбатан кузатилди.

S-100β оқсили – Ca²⁺ боғловчи оқсил бўлиб, нерв тизими фаолиятида кўплаб жараёнларда регулятор вазифасини бажаради ва унга нисбатан аутоантитаначалар миқдорини ортиши нерв тўқимасидаги деструктив ўзгаришларни ҳамда эмоционал бузилишлар билан боғлиқ МНТ даги ўзгаришлардан далолат беради (Григорова И.А. ва хаммуаллифлар, 2009). Ушбу оқсил хотира ва эмоционал ҳолатларни шаклланишида иштирокини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, гипотиреозда хотира ва адаптация жараёнларининг бузилиши, ҳамда депрессияни келиб чиқиши ушбу оқсил фаолияти бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу эса бизнинг тажрибаларимизда S-100β оқсалига нисбатан аутоантитаначалар ортиши билан исботланади. S-100 оқсалининг молекуляр массаси кичик ва гематоэнцефал тўсиқ орқали қонга ўтиши мумкин. Қонда унинг миқдорини ортиши Т-лимфоцитларни фаоллаштиради, ҳамда IgM ва IgG синфига мансуб аутоантитаначалар пайдо бўлади. Бизнинг тажрибамизда кузатилган MBP оқсалига нисбатан аутоантитаначалар миқдорини ортиши бош миёда миелинланиш жараёнларининг бузилиши ҳамда аксонлар миелин қобикларида дегенератив ўзгаришлар кечишидан дарак беради [Chris J.H. et al., 2008]. Гипотиреозда апоптоз омиларнинг фаоллашиши ҳисобига миелин қобикларини деструкцияга учраши, уларни миёда миқдори камайиши ва қон зардобиди эса ушбу оқсилга нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларининг ўзгаришига олиб келади.

L-тироксин билан даволанган каламушларда нейроспецифик оқсилларга нисбатан аутоантитаначалар юқори кўрсаткичларнинг қисман пасайиши кузатилди. Фақатгина S-100β оқсалига аутоантитаначалар миқдори сезиларли 1,8 (P<0,001) мартаба даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан камайди ва 28,2±1,7% ни ташкил этди. Гипотиреозни даволашда L-тироксин билан биргаликда Нейромак препаратини қўллаш NF-200, S-100, GFAP, MBP ва VGCC га нисбатан аутоантитаначалар миқдорини

даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,34 ($P<0,05$); 3,17 ($P<0,001$); 1,84 ($P<0,01$); 2,02 ($P<0,01$) ва 1,8 ($P<0,01$) маротаба, L-тироксин билан даволанган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,18 ($P>0,05$); 1,76 ($P<0,05$); 1,82 ($P<0,05$); 1,93 ($P<0,01$) ва 1,52 ($P<0,05$) маротаба пасайтирди. Аммо бундай ижобий ўзгаришлар бўлишига қарамасдан уларнинг миқдори интакт ҳайвонлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан юқориликча сақланиб қолди. Гипотиреозни даволашда L-тироксин билан биргаликда Сомазина препаратини қўллаш NF-200, S-100, GFAP, MBP ва VGCC га нисбатан аутоантитаначалар миқдорини даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,33 ($P<0,05$); 2,50 ($P<0,001$); 1,74 ($P<0,01$); 1,70 ($P<0,01$) ва 1,49 ($P<0,05$) маротаба, L-тироксин билан даволанган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,17 ($P>0,05$); 1,4 ($P<0,05$); 1,72 ($P<0,05$); 1,63 ($P<0,05$) ва 1,25 ($P>0,05$) маротаба пасайтирди. Лекин уларга нисбатан аутоантитаначалар миқдори интакт ҳайвонлар гуруҳи кўрсаткичларидан юқориликча сақланиб қолди. Бундан ташқари, қалқонсимон беши гормонлари етишмовчилиги таъсир механизми остида эркин радикалли жараёнларнинг фаолланиши ва про- ва антиоксидант тизим мувозанатининг бузилиши ётади (Г. Якубова, 2009). Эркин радикалланиш жараёнларининг жадаллашиши гематоэнцефалик тўсиқнинг ўтказувчанлигини ортишига, уларни қонга ўтишига ва НСО га нисбатан аутоантитаначалар пайдо бўлишига олиб келади. Тадқиқот натижаларига кўра, қўлланилган нейротрофторларни L-тироксин билан биргаликда юборилиши самарали эканлиги аниқланди. Биз қўллаган нейромак ва сомазина препаратлари эквиваленти «цитиколин» бўлиб, унинг нейродегенератив касалликларда нейротрофтив таъсири исботланган (Nakazaki E. et al., 2019). Цитиколиннинг нейротрофтив таъсири унинг нерв ҳужайраларида фосфолипидлар синтезида фаол иштироки билан узвий боғлиқ (Mahtab Roohi-Azizi et al., 2018).

«Экспериментал гипотиреозда нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларининг ўзгаришлари ва уни коррекциялаш» бўлимида глутамат рецептори (Glu-R), дофамин рецептори (DA-R), GABA – рецептори (GABA-R), опиат рецепторлар (m-OR), серотонин рецептори (Ser-R), ацетилхолин рецептори (Chol-R) ва β -эндорфинга (β -end) нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларининг ўзгариши келтирилган (2-жадвал). 21 кунлик гипотиреоз моделлаштирилган II гуруҳ каламушларда бу кўрсаткичлар 8,09 ($P<0,001$); 2,26 ($P<0,001$); 6,20 ($P<0,001$); 2,47 ($P<0,001$); 4,8 ($P<0,001$); 3,85 ($P<0,001$) ва 7,35 ($P<0,001$) маротаба юқори бўлди. Қон зардобида аутоантитаначаларнинг энг кўп миқдори глутамат, GABA, серотонин ва ацетилхолин рецепторларига нисбатан аниқланди. Мерказолил киритилишини давом эттирилиши (тажрибанинг 30 куни) гипотиреоз моделида мия тўқимасидаги ўзгаришларни яна ҳам чуқурлашишига олиб келди (III гуруҳ). Олинган натижаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, қалқонсимон беши дисфункциясида бош мияда нейромедиатор системаси фаолияти бузилиши билан содир бўлувчи метаболик, психик ва неврологик ўзгаришларни

наъмоён қилади. Тадқиқот натижаларига кўра, экспериментал гипотиреозда кескин ўзгаришлар GABA-R, DA-R ва Glu-R учун тегишли бўлди. Гипотиреозда глутаматнинг кўп ажралиши ҳисобига унинг «эксайтотоксик» таъсири кучаяди. Бу эса нерв ҳужайраларига Ca²⁺ ионларини NMDA, AMPA ва VGCC каналлари орқали ортиқча киришига олиб келади, унинг ҳужайра ичидаги миқдорини ортиши протеазалар, фосфолипазалар, нуклеазаларни фаоллашувига, митохондриялар дисфункциясига, оксидланишли стресс ва ҳужайрани ўлимига сабаб бўлади (Juliana Tonietto Domingues et al., 2018). Тадқиқотларимизда аниқланган глутамат рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларининг юқори бўлиши юқорида келтирилган фикрларни тасдиқлайди.

2-жадвал

Экспериментал гипотиреоз моделида тироксин, сомазина ва нейромак препаратларининг нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларига таъсири (ш.б), M±m, n=6

Рецепторлар	Тажриба гуруҳлари					
	Интакт	Экспериментал гипотиреоз		Даволанишдан кейин		
		21 кун	30 кун	Тироксин	тироксин+нейромак	Тироксин+сомазина
Хол-Р	6,5±0,56	25,0±0,82***	26,8±1,8***	21,8±0,60***^&	16,7±0,67***^&&	20,5±0,96***^&&
Глу-Р	3,5±0,22	28,3±1,1***	48,8±1,1***^^	21,2±0,48***^&&	16,2±1,6***^&&	21,2±1,2***^&&
ГАМК-Р	4,3±0,33	26,7±1,6***	55,5±2,4***^^	19,0±2,0***&&	13,7±0,67***^&&	13,3±1,1***^&&
ДА-Р	8,5±0,76	19,2±1,1***	46,0±2,2***^^	19,7±0,42***&&	11,8±0,95***^&&	14,3±0,84***^&&
Сер-Р	6,0±0,58	28,8±1,1***	24,5±1,6***	18,5±1,8***^&	13,3±1,4***^&&	18,7±1,3***^&
м-ОР	6,0±0,52	14,8±1,5***	27,8±1,6***^^	17,7±1,2***&&	15,7±0,71***&&	17,2±1,1***&&
Р-β-энд	2,0±0,26	14,7±0,80***	18,7±0,88***^^	14,3±1,7***&	11,5±0,76***&&	12,0±0,86***&&

Изоҳ: *- фарқлар интакт гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001)

